


**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН
2022 ЙИЛ 27 МАЙДА «ТАСДИҚЛАНГАН»**

**ГАДАЙБАЕВ Т.У.
АЖ «UZBAT А.О.» ҚК
БОШ ДИРЕКТОРИ**



**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК
(«UZBAT»)
ТАФТИШЧИСИ ҲАҚИДА
НИЗОМ**

ТОШКЕНТ 2022

Мазкур АЖ «UZBAT А.О.» ҚК Тафтишчиси ҳақидаги Низом»» («Низом») Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни 14 ва 107-моддалари қоидалари асосида янги таҳрирда ишлаб чиқилган, ўзгартишлар билан ва Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан қабул қилинган қўшимчалар № УРЎ 760 йил 29 мартдаги 2022-сонли "корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги ва УЗБАТ Устави янги таҳрирининг 35-моддаси низомлари асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда, ЎЗБАТ Уставида ишлатиладиган, қуйида белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик суюъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради <u>8 июни</u> 2022 йил, рўйхатга олиш рақами 1246
«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»	УЗБАТ юқори бошқарув органини билдиради.
«Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Кузатув кенгаши»	Уставнинг 25-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Директор»	Уставнинг 30-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Тафтишчи»	Уставнинг 35-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.

1.2. Изоҳлар

Мазкур Низомда, агар контекст бошқасини талаб этмаса, фақат бирлик сонидан ифодаланган сўзлар, кўплик сонини ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

2. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

2.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунининг 26.04.96 йилдаги янги таҳрири ва УЗБАТ Устави янги таҳрири асосида ишлаб чиқилди.

2.2 Низом УЗБАТ Тафтишчисининг мақомини, таркибини, функцияларини, ваколатларини, унинг ишлаш тартиби ва бошқа бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

3. УЗБАТ ТАФТИШЧИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1 УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун, УЗБАТ Уставига мувофиқ Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Тафтишчи тайинланади.

3.2 Тафтишчи ўз меҳнат фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонқчилиги, давлат бошқарув органларининг қонуности далолатномалари, мазкур Низом ва Акциядорлар Умумий йиғилишида қабул қилинадиган ва УЗБАТ Тафтишчисининг фаолиятига таалукли бошқа ҳужжатларга амал қилади.

4. УЗБАТ ТАФТИШЧИСИНИ САЙЛАШ. МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР.

4.1 УЗБАТ Тафтишчиси Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Уставга мувофиқ уч (3) йил муддатга сайланади.

4.2 УЗБАТ Тафтишчиси ўз постини у сайланган Акциядорлар Умумий йиғилиши тугагандан сўнг Акциядорларнинг кейинги Йиллик Умумий йиғилиши тугагунгача эгаллайди. Акциядорлар Умумий йиғилиши Тафтишчини унинг ваколатларининг муддати ўўтгунга қадар чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бир шахсни кетма-кет уч марта УЗБАТ Тафтишчиси этиб тайинланиши мумкин эмас.

4.3 УЗБАТ ходими Тафтишчи бўла олмайди. УЗБАТ Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида ҳам Кузатув Кенгашининг аъзоси бўла олмайди ёки УЗБАТ бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаб тура олмайди. Кузатув Кенгаши аъзолари ёки бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган шахслар УЗБАТ Тафтишчиси сайланганда овоз беришда иштирок эта олмайдилар.

4.4 УЗБАТ Тафтишчиси қуйидаги малакавий талабларга жавоб бериши керак:

- Олий маълумотга эга бўлиш, бухгалтерлик ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида сўнгги ўн йил ичида камида икки йиллик (шу жумладан, ўриндошлик бўйича ҳам) меҳнат тажрибасига эга бўлиши.

5. ТАФТИШЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

5.1 УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) Тафтишчи, Акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув Кенгашининг ташаббауси билан ёки УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5% га эга бўлган Акциядор (Акциядорлар)нинг талабига қўра амалга оширилади.

5.2 УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти текшируви яқунлари бўйича УЗБАТ Тафтишчиси қуйидагиларни ўз ичига олган хулоса тузади:

- УЗБАТ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида акс эттирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш;
- бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби, шунингдек УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширганда қонунчиликни бузиш фактлари ҳақидаги маълумотлар.

5.3 Тафтишчи ҳар чорақда Кузатув Кенгашининг мажлисига аффилиланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимларнинг мавжудлиги, шунингдек бундай битимлар тузиш борасидаги қонунчилик талаблари ва УЗБАТ ички ҳужжатларига риоя қилиниши ҳақидаги хулосани УЗБАТ Кузатув кенгаши мажлисига киритади. Юқоридаги 5.2 бандда кўрсатилган маълумотлар акс эттирилган хулоса, УЗБАТ Акциядорларининг Йиллик Умумий йиғилишида тингланади.

- 5.4 УЗБАТ Тафтишчиси амалдаги қонунчилик ва УЗБАТ Уставига биноан Акциядорларининг Навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга.
- 5.5 УЗБАТ Тафтишчисининг талабига кўра, УЗБАТ бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган шахслар, унга молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим.
- 5.6 Ўз вазифаларини бажарганда УЗБАТ Тафтишчиси қуйидаги турдаги ишларни бажаради:
- УЗБАТ молиявий ҳужжатларини текшириш, УЗБАТ Ички аудит хизматининг мулкни санокдан ўтказиш ҳақидаги ҳулосаси, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;
 - УЗБАТ номидан тузилган шартномалар, тузилаётган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;
 - Бухгалтерлик ҳисоби ва статистик ҳисобот олиб борилишини тегишли меъёрий низомларга мослигини таҳлил қилиш;
 - Молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрларга риоя қилинишини текшириш;
 - УЗБАТ молиявий аҳволини, унинг тўлов қобилиятини, активларининг ликвидлигини, ўзининг ва қарзга олган пул маблағларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлили қилиш, корхона иқтисодий аҳволини яхшилаш заҳираларни аниқлаш ва УЗБАТ бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
 - Маҳсулотлар етказиб берувчилар томонидан тўловларни бюджетга хизматлар кўрсатиш, дивидендлар, облигациялар бўйича фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри киритилганлигини, ҳисобланиши ва тўланиши, бошқа мажбуриятларнинг сўндирилишини текшириш;
 - УЗБАТ балансларининг, солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлаб бошқарув органлари учун ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш;
 - Кузатув Кенгаши ва Директор томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг УЗБАТ Уставига, Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низомга ва Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларига мослигини текшириш;
 - Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатлари билан фарқлари аниқланганда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

6. УЗБАТ ТАФТИШЧИСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

6.1 УЗБАТ Тафтишчиси ўз вазифаларини бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- УЗБАТ бошқарув органларидан, унинг таркибий бўлинмалари ва хизматларидан, шунингдек мансабдор шахсларидан Тафтишчи томонидан унинг иши учун зарур бўладиган, ўрганилиши УЗБАТ Тафтишчисининг вазифалари ва ваколатларига кирадиган ҳужжатлар, материалларни талаб қилиш. Кўрсатиб ўтилган ҳужжат ва материаллар УЗБАТ Тафтишчисига унинг ёзма сўровномаси берилгандан сўнг уч кун ичида тақдим этилади;
- Ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятида камчиликлар аниқланиши ёки УЗБАТ манфаатлари учун бошқача хавф мавжуд бўлган ҳолларда УЗБАТ бошқарув органларининг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиниши талаб этилса, ваколатли шахслардан Кузатув Кенгаши мажлислари, Акциядорлар Умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
- Ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятида камчиликлар аниқланган ёки УЗБАТ манфаатлари учун бошқача хавф мавжуд бўлса, УЗБАТ Акциядорларининг Навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш;
- УЗБАТ ходимларидан, ҳар қандай мансабдор шахсларни ўз ичига олган ҳолда, УЗБАТ Тафтишчисининг ваколатидаги масалалар бўйича шахсий тушунтиришни талаб қилиш;
- УЗБАТ штат лавозимларини эгаллаб турмаган мутахассисларни ўз ишига шартнома асосида жалб қилиш;

- УЗБАТ бошқарув органлари, унинг таркибий бўлинмалари ва хизматлари, мансабдор шахсларининг олдига, улар томонидан УЗБАТ амалдаги низомлари, қоидалари ва йўриқномаларининг бузилган ҳолатлари аниқланган тақдирда, УЗБАТ ходимларининг жавобгарлик масалаларни қўйиш.

7. УЗБАТ ТАФТИШЧИСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1 Текширувлар ўтказилганда, УЗБАТ Тафтишчиси текширувга оид бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчковлик билан ўрганиб чиқиши зарур.

7.2 Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати давомида, УЗБАТ Тафтишчиси ўз вазифаларини бажаришни тўхтатади, ва бу ҳақида камида ўз ишини тугатгангунгача икки ҳафта аввал Кузатув Кенгашига хабар бериши шарт. Бундай вазиятда, Акциядорлар Умумий йиғилиши ўзининг яқин орада ўтказадиган мажлисида УЗБАТ Тафтишчисини ўзгартиради.

7.3 УЗБАТ Тафтишчисининг мажбуриятлари:

- Акциядорлар Умумий йиғилишига, Кузатув Кенгашига, Директорга амалга оширилган тафтишлар ва текширувлар ҳақида ёзма ҳисоботлар, ахборотномалар шаклида, УЗБАТ бошқарув органларининг мажлисларида ўз вақтида хабар бериш;
- УЗБАТ Тафтишчиси ўз вазифаларини бажарганда фойдаланиши мумкин бўлган тижорат сирига риоя қилиш, конфиденциал ҳисобланган маълумотларни овоза қилмаслик;
- УЗБАТ манфаатларига жиддий зарар етказилганлиги ёки мансабдор шахслар томонидан суистеъмолликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатли органларидан Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақиришларини талаб қилиш.